

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**

**АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ

Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши битирувчиси
Қўчқорова Санобарнинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Бадий асарларда фразеологик
неологизмларнинг қўлланилиши (Абдулла Қаҳҳор ижоди
мисолида)**

Илмий раҳбар: филология фанлари номзоди,
доцент Қ.Қодиров

Нукус - 2013

Бадиий асарларда фразеологик неологизмларнинг қўлланилиши (Абдулла Қаҳҳор ижоди мисолида)

РЕЖА

Асослама

Кириш

I БОБ. А.Қаҳҳор ижод қилган фразеологик неологизмлар

1.1. Ёзма адабиёт намуналари асосида ҳосил қилинган иборалар

1.2. Маълум услубга хосланган ибораларнинг бошқа услубда қўлланилиши

1.3. Шакл жиҳатдан ўзгартирилган иборалар

1.4. Янги сўзлар қўшилиши билан яратилган фразеологик неологизмлар

1.5. Иборалар асосида матн яратилиши

II БОБ. Халқ иборалари қолипи асосида яратилган фразеологик неологизмлар

2.1. Салбий қаҳрамонлардан кулиш учун хизмат қилувчи иборалар

2.2. Ҳайвон ва паррандаларнинг белги-хусусиятига асосланган иборалар

2.3. Қофияли фразеологик неологизмлар

2.4. Муболаға асосида ижод қилинган иборалар

Умумий хулосалар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

АСОСЛАМА

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар бир ёзувчининг тили ва услуби ўзига хослиги билан бир-биридан фарқ қилади. Бу хусусият бадиий адабиётнинг барча кўринишлари учун тааллуқлидир.

Ёзувчи услуби аввало унинг сўз танлаши, сўзни қўллашида, тил воситаларини нутқ занжирида жойлаштиришида намоён бўлади.

А.Қаҳҳор тил воситаларидан фойдаланишнинг ажойиб устаси бўлган. Айниқса умумтил ибораларини қўллашида унинг юксак маҳорат эгаси эканлиги яққол кўринади. У баъзан халқ ибораларини мазмун томондан ўзгартиб, тасвирланаётган воқеаларга мослаб қўлласа, баъзан уларни услубий томондан янги, одатдан ташқари матнларда қўллайди.

Ўзбек тилшунослигида А.Қаҳҳор асарларидаги ибораларнинг қўлланилиши билан боғлиқ бир қатор ишлар мавжуд. Жумладан М.М.Султонова, «А.Қаҳҳор услуби», И.Қўчқортаев, «А.Қаҳҳорнинг халқ ибораларидан ижодий фойдаланиши», И.Қўчқортоев «А.Қаҳҳорнинг умумтил фразеологияси асосида янги иборалар яратиши» тадқиқотлари фикримизнинг далилидир.

А.Қаҳҳор ижодини, унинг асарлари тили ва услубини ўрганиш ҳозирги кунда ҳам тилшунослигимиз олдидаги муҳим аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Ҳали тадқиқ қилинмаган қирралар анчагина. Шу туфайли тадқиқотимизни А.Қаҳҳор

ижодида фразеологик неологизмларнинг қўлланилишига бағишладик.

Мавзунинг ўрганилиши. Ўзбек адабиётида А.Қахҳор асарларининг тили ўзининг аниқлиги, ихчамлиги билан мана ман деб ажралиб туради. Унинг асарлари тилида «бирон ортиқча, ноўрин ишлатилган сўзни топиш қийин, жумлалар қуйиб қўйилгандай мустаҳкамдир¹».

Дарҳақиқат, А.Қахҳор асарларидаги ҳар бир сўз ва иборалар ўрнида ишлатилади, фразеологик ибораларнинг янги шаклда қўлланилини кузатиш мумкин. Биз адиб асарларида ишланган янги ибораларни ўрганар эканмиз, мисолларни бевосита асарларидан олдик. Ишга киришишдан олдин И.Қўчқортоев, О.Шарафиддиновларнинг А.Қахҳор ижодига бағишланган илмий ишлари билан танишиб, келтирилган мисолларни услубий сатҳда таҳлил қилдик.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.

Тадқиқотимиздан қўзланган асосий мақсад А.Қахҳор ижодида фразеологик неологизмларнинг қўлланилиши билан боғлиқ масалаларни ёритиб беришдан иборат. Шу мақсаддан келиб чиқиб тадқиқотимиз олдида бир қанча вазифаларни қўйдик;

-ёзма адабиёт намуналари асосида ҳосил қилинган иборалар;

-маълум услубга хосланган ибораларни бошқа услубда қўлланилиши;

-янги сўзлар қўшилиши асосида яратилган иборалар;

¹ О.Шарафиддинов. Келажакка чорловчи қисса. –Тошкент, 1959.

- иборалар асосида матн яратилиши;
- салбий қаҳрамонлардан кулиш учун хизмат қилувчи иборалар;
- ҳайвон ва паррандаларнинг белги-хусусиятига асосланган иборалар;
- қофияли фразеологик неологизмлар;
- муболаға асосида ижод этилган иборалар.

Юқорида қайд қилинган вазифаларни амалга ошириш ва кўзланган мақсадга эришиш учун маълумотлар танқидий нуқтаи назардан ўрганилди ва А.Қаҳҳор асарларидан мисоллар тўпланди. Йиғилган материаллар илмий асосда изчиллик билан ёритиб берилди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мавзу орқали изоҳланган, А.Қаҳҳор асарларидаги қўлланган фразеологик неологизмлар, уларга хос хусусиятлар бу борада ишланган тадқиқотларнинг давоми сифатида асқотиши, адиб ижодини янги манбалар билан бойитиши шунингдек бу соҳа билан шуғулланувчи келгуси авлод вакилларига қимматли маълумотлар бериши муқаррардир.

КИРИШ

Фразеология - ўзбек тилшунослигининг ёш соҳаси. Шунга қарамай, ўзбек фразеологияси бўйича бир қанча йирик тадқиқотлар майдонга келди. Бу тадқиқотлар бадиий адабиёт тили фразеологик бойлигини ўрганишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тилшунослигида А.Қаҳҳор ижоди, унинг услубини ўрганиш билан боғлиқ бир қатор илмий ишлар мавжуд. М.Султонованинг «А.Қаҳҳор услуби», И.Қўчқортоевнинг «А.Қаҳҳорнинг халқ ибораларидан ижодий фойдаланиши» ишлари фикримизнинг далилидир.

И.Қўчқортоев «А.Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги» ҳақида махсус тадқиқот яратди. Бу ишда ёзувчининг умумхалқ ўзбек фразеологиясидан ижодий фойдаланиш йўллари, унинг янги иборалар ижод этиши ва бу ибораларнинг бадиий-эстетик вазифалари таҳлил этилган.

Бадиий адабиётда ҳаёт образлар, ҳар хил манзаралар орқали акс эттирилади. Бизни онгимизга, туйғуларимизга таъсир этадиган образ ва манзаралар сўзлар ёрдамида, сўзлардан ташкил топган гаплар ёрдамида тасвирланади. Лекин сўз ва гапнинг ўзи образ ҳам, манзара ҳам бўла олмайди. Сўз ва образ ўзаро боғлиқ бўлса ҳам, лекин улар бир-бирини қоплайдиган, бир-бирига тенг келадиган тушунчалар эмас. Сўз тил бирлиги, образ эса санъат ҳодисасидир. Бадиий адабиётда сўз ва гап образ, манзара яратишда материал, восита бўлиб хизмат қилади. Ёзувчининг моҳарати шунда намоён бўладики, у ҳаётдаги маълум ҳаракат,

манзара ва ҳолатни ёрқин ифодаладиган сўзларни топади ва бу сўзларни асар ғояси, образ руҳи ва мантиқига мослаб ишлатади. Бу сўзларни ўқир эканмиз, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни кўраётгандай бўламиз. Блшқача қилиб айтганда, ёзувчи қаламининг сеҳри остида сўзлар ҳаётдаги нарса ва ҳодисаларни бизнинг онгимизда аниқ тиклайдиган, айти ўзидай қилиб гавдалантирадиган воситаларга айланади. Сўз санъатининг қудрати ҳам мана шунда. Биз бевосита ёзувчи ишлатган сўзларнинг ўзидан эмас, балки бу сўзлар ёрдамида кўз ўнгимизда тикланган инсон образидан, унинг қилмишларидан таъсирланамиз.

Адбий тил тараққиётида сўз санъаткорларининг хизмати катта эканлиги маълум. Адабий тил тушунчаси ҳам, аслини олганда, сўз усталарининг фаолияти билан боғлиқ бўлган тушунчадир.

Бу фикрлардан адабий тилнинг пайдо бўлиши ва такомиллашувида сўз санъаткорлари етакчи роль ўйнайди, деган хулоса келиб чиқади.

Ёзувчиларнинг адабий тилни ривожлантиришдаги хизмати тўғрисида гапирилганда, буни кўпинча уларнинг янги сўз ва иборалар яратишигагина боғлаб қўядилар. Гарчи сўз ва иборалар адабий тил хазинасига муҳим ҳисса бўлиб қўшилса ҳам, лекин сўз усталарининг адабий тилни ривожлантиришдаги хизмати бу билан чекланиб қолмайди.

Ёзувчи бадиий асар тили устида ишлар экан, у «тилда турғунлик касб этган, нутқда кенг, истеъмол қилинадиган сўз, шаклларни ишлатади, ўткинчи, иккинчи даражали , тил

тараққиёти учун ҳарактерли бўлмаган элементларни ўз асарлари тилига киритмасликка ҳаракат қилади». Бошқача қилиб айтганда, ёзувчи тил бойлигидан фикрни энг тўғри, аниқ ва лўнда қилиб ифодалайдиган воситаларни териб, саралаб ишлатади. Шу йўсинда у тилдан фойдаланишнинг, гапириш ва ёзишнинг ўзига хос намунасини яратади. Ёзувчи қанчалик иқтидорли, меҳнатсевар бўлса, бу намуна шунчалик ҳаётий, жозибадор бўлиб чиқади.

Ёзувчининг тилга мана шундай онгли муносабатда бўлиши, унинг сўз-танлаш санъати адабий тил такомилида жиддий аҳамиятга эга омиллардан биридир. Шунинг учун ёзувчининг адабий тилни ривожлантиришдаги хизмати тўғрисида гапирганда, у яратган янги сўз ва иборалар билангина чекланиб қолмасдан, мазкур ёзувчининг нутқ равонлиги, адабий тилнинг софлиги ва таъсирчанлиги учун кураши тўғрисида ҳам гапириш лозим.

Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабий тилининг руҳини, унинг тараққиётидаги етакчи анъаналарни мукаммал биладиган устоз ёзувчи эди. У ўз асарлари тилининг адабий тил руҳига, адабий тил тараққиётидаги етакчи, илғор анъаналарига мос бўлишини биринчи ўринда қўяди. Қўпол, шева элементлари билан тўлиб тошган сохта халқчил жумлалар А.Қаҳҳор учун қанчалик ёт бўлса, совуқ халқ сўзлашув тилидан узоқ китобий ифодалар ҳам унга шунчалик ёт. Тил аниқ ва равон , содда ва тушунарли бўлсин-Абдулла Қаҳҳорнинг бадиий асар тили олдига қўядиган талаби шундай эди.

Абдулла Қаҳҳор ўз асарлари тилининг бу талабаларга жавоб бериши учун матн устида кунт билан, чидам билан меҳнат

қилган. Унинг кўпгина асарлари бир неча мартадан қайта ишлангани маълум. Бу жиҳатдан «Нурли чўққилар» ҳикоясининг ёзилиши жуда характерлидир. Ҳикоя шундай бошланади. «Тўққизинчи синф аълочиларидан, темир-терсакни ҳаммадан кўп йиғиб, оти радиога тушган ва мактаб маъмуриятидан раҳматлар эшитган Зухраҳон деган қиз йўқолиб қолди». Бироқ адиб бу жумлани топгунча ўнлаб гапларни ёзиб кўрган, улар таркибидаги сўзларни ўзгартирган. Ҳикоя кўлёзмасида йигирма-ўттиз марталаб қайта-қайта ёзилган жумлалар бор. Ҳатто ҳикоянинг сарлавҳаси ҳам бир неча маротаба ўзгартирилган.

Бадиий асар тили олдига қўйиладиган талаблардан бири унинг жимжимадор, тумтароқи ифодалардан, кераксиз архаизмлардан ҳоли бўлишидир.

«Сароб» романининг аввалги нашридаги баъзи сўзларни ёзувчи ўзгантиради: У қишлоққа келганида дастлаб муҳитга мувофиқлашолмай, кўп қийинчиликларни бошидан кечирди, аммо муҳитга мувофиқлашгандан сўнг, кўнгли очилиб, ижодий кучга тўлди.

Бу парчадаги «ижодий кучга тўлди» ибораси ноаниқ, мужмал. Адабий тилда (юраги) қувонч, севинч ё шодликка тўлди, деб гапирилади. Бу ибора кўтаринки, эмоционал бўёққа эга бўлиб, кўпроқ шеърӣ асарларда ишлатилади. Ижодий куч бирикмаси қувонч, севинч, шодлик синонимларининг маъноларини ифодаламайди. Шу сабабли Саидийнинг кўнгли «ижодий кучга тўлди» тарзида жумла тузиш сунъийликка олиб келади. Бунинг устига, кўнгли ижодий кучга тўлди ифодаси қийинчиликни енгган Саидий руҳий ҳолатига ҳам мос эмас.

Парчадаги қийинчиликларни бошидан кечирди ибораси ҳам ноўрин қўлланган. Бу ибора узоқ вақт давомида қийналган, кўп қийинчиликларни енгиб ўтган одамга нисбатан ишлатилади. Юқоридаги парчада эса Саидийнинг қишлоқда узоқ вақт давомида эмас, балки қисқа вақт яшагани кўрсатилади. Асарнинг кейинги нашрида Абдулла Қаҳҳор «қийинчиликларни бошидан кечирди» иборасини «қийналган эди» сўзи билан, кўнгли «ижодий кучга тўлди» иборасини эса «кўнгли очилди» ибораси билан алмаштиради.

А.Қаҳҳор адабий тил луғат таркибида юз берган ўзгаришларга бефарқ қарамайди. Адибнинг адабий тилда юз берган ўзгаришларни сезгирлик билан кузатиб бориши унинг узр сўрамоқ ва авф сўрамоқ ибораларидан фойдаланишида янада очиқроқ кўринади.

Ҳозирги кунда авф сўрамоқ ибораси бирмунча архаиклик кўрсаткичларини касб этгандир. Бу ҳол авф сўзининг ўта китобий сўз эканлиги, ишлатилмаслиги билан изоҳланади. Лекин узр сўрамоқ иборасининг қўлланишида бундай кескин чегараланиш йўқ. Бу ибора адабий тилда анча кенг ишлатилади. Узр сўзи авф сўзи каби архаиклик кўрсаткичга эга эмас. Шунинг учун Абдулла Қаҳҳор ўз асарларида авф сўрамоқ иборасидан кўра узр сўрамоқ иборасини кўпроқ ишлатишга ҳаракат қилган.

Нарса-ҳодисаларни тўғри аташ, уларни мантиқан аниқ ифодалаш нуқтаи назаридан Абдулла Қаҳҳорнинг «юраги эзилди» ибораси ва бу ибораларнинг вариантларидан фойдаланиши янада мароқлидир. Адабий тилда юраги эзилди ибораси икки маънода ишлатилади:

1) ачинмоқ, раҳми келмоқ; 2) қийналмоқ, азоб чекмоқ. Иборанинг биринчи маъноси оддий ачинишни эмас, балки кучли, балки бутун қалбдан ачинишни билдиради.

А.Қахҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романида Қурбон отанинг инсон қадрини биладиган, раҳмдил бир одам сифатида тасвирлангани маълум. Унинг хотинига бўлган муҳаббати, хотинининг аҳволига ачинишини «юраги эзилди» ибораси тўлиқ ифодадай олмайди. Ёзувчи бу туйғуни бутун тўлалиги, бутун харорати билан ёрқин ифодалаш учун янги восита қидириб топади. Романни қайта нашрга тайёрлаганда, юраги эзилди иборасини унинг «юрак-бағри эзилди» варианты билан алмаштиради.

А.Қахҳор матн устида ишлар экан, айти бир сўз ё иборанинг бир жойда икки ё ундан ортиқ ишлатилишига асло йўл қўймайди. Агар такрор ишлатилган сўз ёки ибора асосий фикрни ифодалашда муҳим аҳамият касб этмаса, ёзувчи бундай сўз ва ибораларни матндан чиқариб ташлайди.

I БОБ. А.ҚАҲҲОР ИЖОД ҚИЛГАН ФРАЗЕОЛОГИК НЕОЛОГИЗМЛАР

1.1. Ёзма адабиёт намуналари асосида ҳосил қилинган иборалар

Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг юмор, қувноқ кулги билан суғорилганлигидир. А.Қаҳҳор ўз қаҳрамонларини четдан кузатувчи сифатида эмас, балки улар хулқ-атворининг эҳтиросли ҳукмчиси сифатида тасвирлайди. У баъзи қаҳрамонларини китобхонга эркалаб, суйиб тақдим этса, баъзиларини кулги билан маҳв қилиб, қамчилаб тақдим этади¹. Ёзувчи бундай хилма хил хис туйғуларни беришда «халқ тили бойлигидан, унинг қочириқларидан»² усталик билан фойдаланади.

А.Қаҳҳор асарларида қочириқ, ҳазил баъзан ёзма адабиёт, хусусан мумтоз адабиёт намуналари асосида ҳосил қилинади. Мисол тариқасида Муқимий шеърдан олинган «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадир» мисрасининг «Шоҳи сўзана» комедиясида Қўзиев нутқида қўлланишини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Комедиядаги эпизодлардан бирида Хошимжон Қўзиев Салтанатнинг олдига киради. Улар бир-бирини севишади. Салтанат Қўзиевга: Мени йўқлаб турмайсиз, деб таъна қилади. Қўзиев унга шеър билан жавоб беради. Шу асосда ўзига хос ҳазил, сўз ўйини юзага келади.

¹ О.Шарафиддинов. Келажакка чорловчи повест. Тошкент-1958.

² Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. 1 том. Тошкент 1957, 280-бет.

Салтанат (аразлаб): Шунақа экан-да, идорага бир кирай демайсиз! Қаерларда юрасиз?

Қўзиев: «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадир» деган экан шоир.

Салтанат: Қанақа шоир экан у, кўнглини суйганига ташлаб, ўзи ҳар қаёқларда юрадиган?

Қўзиев: Шоир юрса юраверсин, мен келдим-ку.

Гап жиддий масалалар устида кетганда, бундай қочириқ, аччиқ киноя, дашномга айланади. Бу жиҳатдан айрим фразеологик ибораларнинг қочириқ воситаси сифатида қўлланиши жуда характерлидир.

Ҳозирги адабий тилда «кайф сурмоқ» иборасининг роҳат қилмоқ, бир нарсадан лаззатланмоқ маъносида ишлатилиши маълум.

А.Қаҳҳор «Синчалак» повестида уни умрида биринчи марта қаттиқ танқидга учраган Арслонбек Қаландаровнинг руҳий ҳолатини ифодалаш учун қўллайди. Ибора персонаж нутқида берилади. Бу ҳол қочириқнинг янада кучли, ёрқин ифодаланишини таъминлайди:

Мажлис ёпилди. Қаландаров чиқиб кетди. Саида ҳозир унинг кетидан чиқишни лозим кўрмади-да, кейинроқ уйига борди. Кечаси Саиданинг хужрасига Қозимбек билан Аъзамжон келди. Саида Қозимбекдан отасининг соғлигини сўраган эди. Қозимбек мийиғида кулиб:

-Гапларнинг кайфини суриб ётибди, -деди.

Худди шундай киноя «иситмаси тушди» иборасининг қўлланишида ҳам ифодаланади. Бу ибора адабий тилда бемор хароратининг пасайиши, одатдаги ҳолатга қайтишини билдиради.

«Шоҳи сўзана» комедиясида А.Қаҳҳор Мавлон аканинг жаҳлдан тушганлигини, ўжарликдан қайтганлигини мана шу ибора орқали кўрсатади. Бу ҳол китобхон томонидан аччиқ киноя, заҳарханда сифатида ўқилади.

Ибора ҳазилкаш, қувноқ Раҳимжоннинг нутқида берилади:

Одилов: Шунини эслатмоқчиман, Мавлон ака...Хатойингизни тушуниб, шунини айтгани келганингиз яхши.

Раҳимжон. Бугун кўп яхши бўлди-да: байроқ оламиз. Мавлон аканинг иситмаси тушди, холамлар келишди.

Фразеологик иборалар тилнинг образли воситалари жумласига киради. Ҳар қандай ибора замирида аниқ бир ҳодиса тасаввури, маълум бир предмет образи етади. Бу образ иборага алоҳида жило, равшанлик бахш этади. Абдулла Қаҳҳор ўз асарларида мавҳум, абстракт ҳодисаларни аниқ «предметли» қилиб тасвирлашда, қаҳрамонларнинг «ички дунёсини, руҳиятини сўз билан расмга олиб кўрсатишда»¹ фразеологик ибораларнинг мана шу образлилик хусусиятидан моҳирона фойдаланар эди.

Ҳозирги ўзбек тилида ном чиқармоқ тушунчаси шуҳрат қозонмоқ, танилмоқ, донг таратмоқ каби мавҳум маъноли синоним сўзлар билан англатилади. А.Қаҳҳор бу ғояни аниқ ифодалаш учун тамомила янги, оригинал восита қидириб топади.

¹ П.Қодиров. Абдулла Қаҳҳорнинг III томлик танланган асарларига ёзилган сўзбоши. I-том-1957.

У ном чиқармоқ тушунчасини бош кўтармоқ ибораси билан беради:

Боқи мирзо... мустақил бир иш бошлашга ният қилганида инқилоб ниятига етказмади, қолган уч тўрт кунлик умрини қандай қилиб булса ҳам ўтказиши пайига тушди: ҳар кимларга турли аризалар, дуои саломлар ёзиб беришни касб қилиб олди...Номи ўчиб кетган Боқи мирзо кўп вақт ўтмай «Инобатлик мирзо» номи билан бош кўтарди.

Мазкур иборанинг бундай ижодий қўлланиши, бир томондан, мавҳум, абстракт ном чиқармоқ тушунчасини китобхон онгида аниқ, конкрет бир ҳаракат («бош кўтариш») тарзида гавдалантирса, иккинчи томондан, саводли кишилар етишмаган бир пайтда (инқилобдан кейинги дастлабки йиллар) мирзонинг ҳар кимларга хат ёзиб бериш билан дарров кўзга ташланганини жуда тўғри ифода қилади.

Мавҳум ҳодисаларни аниқ, кўзга кўринадиган қилиб тасвирлаш нуқтаи назаридан Абдулла Қаҳҳорнинг қўл кўтармоқ иборасидан ижодий фойдаланиши янада характерлидир. Бу ибора ҳозирги тилда конкрет бир ҳаракат (яъни бировни урушга чорлаш, уруш ҳаракати) ни билдиради.

Абдулла Қаҳҳор бу иборанинг маъно доирасини кенгайтиради –айрим асарларида уни мавҳум курашмоқ тушунчасини ифодалаш учун қўллайди.

У ўзига келиб, кўзини очиб атрофга қараса, ҳали «чиқмаган жондан умид» қилиш мумкин... («Қўшчинор чироқлари» романидан»; Бу одам...Носировнинг ичи қора, бахил эканлиги ва бу ичи қораликдан Эҳсоннинг жабр кўришини ҳам билади, ғазаби

келади, аммо унинг тарафида туриб, Носировга қарши қўл кўтаргани андиша қилади, чунки иш очик жанжалга айланса, Эҳсоннинг ютиб чиқишига кўзи етмайди. («Сароб» романи).

Абдулла Қаҳҳор меҳнатда куч синашиш (яъни мусобақалашини) тушунчасини конкрет ифодалаш учун ҳам образли восита кидириб топади. Бу тушунча ҳозирги тилда мусобақалашмоқ ва беллашмоқ синоним сўзлари билан англатилади. Бу сўзлардан мусобақалашмоқ ҳеч қандай образга боғланмайди. Шунинг учун у мавҳум, абстракт маъноли сўз ҳисобланади. Беллашмоқ замиридаги образ («бел олишиш» тасаввури) эса ҳозирги кунда сезилмас даражага келиб қолгандир.

Мусабақалашмоқ идеясини А.Қаҳҳор бевосита кураш тушишни билдирадиган бел ушламоқ ибраси билан беради. Натижада мавҳум мусобақалашмоқ тушунчаси китобхон онгида аник, кураш тушиш (яъни бел ушлашиш) тарзида гавдаланади:

1.2. Маълум услубга хосланган ибораларнинг бошқа услубда қўлланилиши

Тил воситаларидан ижодий фойдаланиш йўлларида бири маълум услубга хос ибораларни бошқа услубга кўчириб қўллашдир. Бу усул қочирикнинг, китобхон онгида ҳажвий ҳис уйғотишнинг кучли услубий воситаси ҳисобланади.

А.Қаҳҳор ўз асарларида бу усулдан кенг фойдаланади. «Сароб» романида ўқиймиз:

Бу одам шу кунларда адабиёт майдонида ўзининг танқидлари билан жавлон урган Аббосхон эди.

Бу парчадаги жавлон урмоқ ибораси аслида юксак услубга хосланган иборадир. Унинг ўрта миёна танқидчи Аббосхонга нисбат бериб оддий баёнда қўлланиши китобхон онгида кулги хиссини уйғотади. Бу кулги ёзувчининг шуҳратпараст Аббосхонга берган аччиқ баҳоси сифатида уқилади.

«Оғрик тишлар» комедиясининг қаҳрамони Аҳмаджон Заргаровнинг баландпарвоз, дабдабали сўзларни яхши кўриши, бундай сўзларни оддий сўзлашувда ҳам ишлатавериши юқорида кўрсатиб ўтилган эди. Заргаровнинг бундай баландпарвозликка интилиши кўпинча уни кулгили, ноқулай аҳволга солиб қўяди.

Ҳозирги адабий тилда умр йўлдоши ибораси, асосан юксак услубда ишлатилади. Заргаров эса уни оддий сўзлашувда ҳам қўллайверади. Натижада унинг нутқи кулгили, услуб томондан пайдарпай бўлиб чиқади, суҳбатдошларининг ғашини келтиради.

Заргаров (трубкага) «Инобат» артели... (Йўғонроқ товуш билан). Раис борми? Ис, салом... Заргаровман ...Рахмат... Ишлар қалай? Дуруст, дуруст...

Хуморхон: Гапни чўзманг!

Заргаров: Бизнинг бошимизга мушкул иш тушиб қолди-да. Умр йўлдошимиз қаттиқ бетоб...

Хуморхон: Бунақа гапларни сизга ким қўйипти, хотиним деяверинг!

Заргаров: Ҳа хотиним... Кисловодскка бир дона путёвка олган экансиз, шуни берсангиз, биз сизга янаги ойга тўғриласак, қалай бўлади?

Абдулла Қаҳҳорнинг айрим асарлари бир услуб воситаларини бошқа услубга кўчириш натижасида туғиладиган кулгига асосланади.

Бундай асарларнинг ёрқин мисоли сифатида «Нутқ» фелъетонини кўрсатиш мумкин. Фелъетонда эр ва хотиннинг оила қурганига бир йил тўлишини нишонлаш учун ўтириши тасвирланади.

Ўтиришда эр бир йиллик турмуш тўғрисида нутқ сўзлайди. Унинг нутқида намунали, фаолият, сигнал бермоқ, ўзи бўларчилик, кун тартибига қўймоқ, сафдан чиқмоқ, ҳал қилувчи роль ўйнамоқ каби сўзлар ва иборалар қўлланади. Бу сўз ва иборалар ҳозирги ўзбек адабий тилида расмий-идора услубига хослангандир. Улар одатда йирик ижтимоий воқеаларга бағишланган нутқларда ишлатилади. «Нутқ» фелъетонининг қаҳрамони, «кенг эшитувчилар оммасига мўлжалланган» нотиқ эса уларни оддий сўзлашувга кўчиради, чойнак қопқоғининг синиши, самоварнинг бузилиши каби оила икир-чикирларига нисбатан қўллайди. Натижада эрнинг хотинга айтадиган оддий гапи дабдабали нутққа айланиб кетади. Бу ҳол расмиятчилик суяк-суягига сингиб кетган нотиқ образини кулгили қилиб кўрсатади.

Юқорида айтилганидек, гап салбий қаҳрамонлар тўғрисида кетганда, Абдулла Қаҳҳорнинг пичинг-кулгиси маҳв қилувчи рух касб этади. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг бу хусусияти турли нарса ва ҳайвонларга хосланган сўз ва ибораларни одамга нисбатан қўллашда, айниқса, яққол кўринади.

Фольклор асарларида учрайдиган дамига тормоқ ибораси афсонавий аждарнинг ўз ўлжасини ичига тортиши, ютишини билдиради. Абдулла Қахҳор «Сароб» романида бу иборани ўзи тўғрисида баландпарвоз ўйлар ўйловчи, ўзини фавқулодда талант эгаси, бамисли аждар деб билувчи Раҳимжон Саидийга нисбатан қўллайди. Иборанинг бундай қўлланиши ёзувчининг Саидийга аччиқ заҳарҳанда билан қарашини жуда яхши ифодалайди.

Шу биринчи муваффақиятидан сўнг Саидийнинг ...иликлари тўлди....суяклари қотди...Юзига қон югуриб тиниқланди ,энди у ҳам кучга тўлиб дамига тортадиган йигит, гарчи Мунисхон тан олмаса-да, факультетдаги бошқа талабалардан ўзининг «Қаландар»и билан ажралиб турган, келажаги шуҳрат ваъда қилган бир киши!

Халқ тилида олдидан келса тишлайди, кетидан келса тепади, ибораси асов, тепгич отга нисбат бериб ишлатилиши маълум. Бу ибора Муқимийнинг машҳур «От» ҳажвий муҳаммасида қуйидагича ишлатилган.

Олдидан келсанг, оғиз солғай, мабодо кетидан-

Тепадур хохи чуқурлик, хоҳ том, ўлсун бу от.

Абдулла Қахҳор «Майиз емаган хотин» ҳикоясида бу иборани сатирик образ мулла Норқўзининг хотинига нисбатан қўллайди. Натижада образнинг сатирик қиёфаси янада бўртиб ифодаланади.

Мулла Норқўзи ҳазил билан унинг аламини босмоқчи бўлди:

-Э, ҳали мен сени очаман деб юрибман-ку!

Хотин унинг юзига хўмрайиб қаради-да, кейин зарда қилиб, уйга кириб кетди: ...У бир ҳафта бўйи қовоғини очмади, уч кеча ўрнини бошқа солиб ётди. Мулла Норқўзи гапини ҳазиллашиб айтганини арз қилиш учун олдидан келса тишлар, кетидан келса тепар эди: бир кечаси гапни хотинининг диёнатли, покдомонлигидан бошлаган эди, хотин анча юмшади.

Тасвирланаётган персонажга нисбатан муаллифнинг бундай салбий муносабати чанг солмоқ иборасининг индивидуал қўлланишида, айниқса, ёрқин намоён бўлган. Бу ибора аслида йиртқич қуш ва ҳайвонларга нисбат бериб ишлатилади. Абдулла Қаҳҳор «Қўшчинор чироқлари» романида уни салбий қаҳрамони Шарофатга нисбатан қўллайди. Натижада Шарофат китобхон онгида ўлжасига ташланай деб турган йиртқич сифатида гавдаланади:

Канизак қайтиб келганда, у (Шарофат- И.Қ) ўлим ҳавфи остида қолган мушукдай, кўзлари чакнаб, тикка юзига чанг соладиган бир важоҳатда ўтирар эди.

1.3. Шакл жиҳатдан ўзгартирилган иборалар

Абдулла Қаҳҳор халқ ибораларидан ижодий фойдаланишда ибора маъносини ўзгартириш (ибора маъносини янгилаш) усулидангина фойдаланиб қолмайди. Айрим ҳолларда у ибора маъноси билан бир қаторда унинг шаклини, умумий тузилишини ҳам ўзгартади. Бундай ўзгартиш иборани маъно томонидан ҳам, шакл томонидан ҳам матнга мувофиқлаштиради, ёзувчи кузатган мақсадни аниқ ва ихчам қилиб ифодалашга ёрдам беради.

Бадиий асар тилида фразеологик ибора шаклини ўзгартиш йўллари жуда хилма-хилдир. Шулардан бири ибора таркибидаги сўзларни уларнинг синонимлари билан алмаштириш ҳисобланади. Абдулла Қаҳҳорнинг юлдузни бенарвон уради иборасидан ижодий фойдаланиши бунга мисол бўла олади. Бу ибора «Олтин юлдуз» қиссасида юлдузни бешоти уради шаклида қўлланган.

Адабий тилда қабул қилинган нарвон (бенарвон) сўзининг бундай диалектал синоним шоти (бешоти) билан алмаштирилиши аниқ бир мақсадни кўзда тутди.

Абдулла Қаҳҳор қиссада Аҳмаджон Шукуровни тасвирлар экан, унинг Фарғоналик эканлигини ҳам кўрсатиб ўтади. Бунда у турли воситалардан фойдаланади. Мана шундай воситалардан бири шева элементларидир.

Абдулла Қаҳҳор Аҳмаджон Шукуров образини тасвирлашда бир қатор шева элементларини ҳам ишлатади. Бундай шева элементлари Аҳмаджон образини тавсифлаш, унинг нутқини индивидуаллаштириш бўёғини кучайтириш учун хизмат қилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида илоннинг ёғини ялаган ибораси бор. Бу ибора жуда айёр, муғомбир, қув деган маънони ифодалайди. Бу ибора мазмунидан сўзловчининг нутқ объектига салбий муносабати яққол сезилиб туради. Масалан: Ойбек ўзининг «Қутлуғ қон» романидаги салбий образ Мирзакаримбойга тавсиф берганда, унинг муттаҳамлигини таъкидлаш учун мана шу иборадан фойдаланади:

Мирзакаримбой илоннинг ёғини ялаган одам эди; ҳамма бойлар каби айёр, муғомбир, пухта-пишиқ; у юраксиз эмас, балки хар ишда эҳтиёткорликни яхши кўради.

Абдулла Қаҳҳор ҳам ўзининг «Қўшчинор чироқлари» романида салбий образ Шарофат тўғрисида гапирганда мана шу иборадан фойдаланади. Лекин бунда муҳим фарқ бор. Биринчидан, Абдулла Қаҳҳор иборани Шарофатнинг нутқида ишлатади, иккинчидан, унинг шаклини ўзгартади. Бой қизи Шарофат камбағалларни, айниқса қарол эри Сидиқжоннинг онасини ёмон кўради. Унинг назарида Сидиқжоннинг айнишига, жамоа хужалигига киришига онаси сабабчи бўлган. Абдулла Қаҳҳор илоннинг ёғини ялаган иборасини Шарофатнинг мана шундай кучли нафратига мувофиқлаштириши, унинг сўзга чечанлигини бўрттириб кўрсатиш учун ибора таркибидаги ялаган сўзини еган сўзи билан алмаштиради:

Шарофат... «Бояги семиз одам айтган сўзлар рост экан;- деди ичида, -лекин буни маҳлиё қилган унинг қора кўзигина эмасдир. Яна нимаси экан? Бўлса уй-жой, илгариги эридан қолган рўзғори бордир. Бу безот-ку, унинг уй-жойига учипти, у манжалақи бунинг нимасига учди экан? Бу безот унга нима деб мақтанди экан? Аввали шуки, ҳеч кимим йўқ, ёлғиз бошим дегандир; шум укаси, илоннинг ёғини еган мўлтони онаси борлигини яширгандир».

1.4. Янги сўзлар қўшилиши асосида яратилган иборалар

Айрим ҳолларда А.Қаҳҳор фразеологик ибора таркибига янги сўзлар қўшади. Бундай сўзлар ибора замиридаги образни аниқлаштиради, ўз навбатида, ибора маъносини янада кучайтириш, унга янгича йўналиш, янгича курсаткич бериш учун хизмат қилади.

Халқ тилидаги суянган тоғи ибораси ҳимоячиси, ҳомийси, ғамхўри деган маънони ифода этади. Абдулла Қаҳҳор бу ибора таркибига баланд сўзини қўшади. Натижада (суянган тоғи баланд тарзида) ибора замиридаги образ аниқ тусга киради. Бу оригинал матн ҳимоячиси кучли, деган фикрни аниқ, образли қилиб ифодалаш имконини беради.

Саида унинг юзига тик қаради.

-Шовқин солманг, атрофда одам бор! Менга олабўжи бўлманг, ёш бола эмасман...қўрқмайман!

Қаландаров, сурма ичгандай, шивирлаб шовқин солди.

-Биламан, сиз қўрқмайсиз! Суянган тоғингиз баланд! Ўртоқ Носировга ҳеч кимнинг бўйи етмайди! («Синчалак» қиссасидан)

Фразеологик ибора замиридаги образни аниқлаштириш баъзан маънони кучайтириш учун хизмат қилади. Абдулла Қаҳҳор асарларида бахтга ботмоқ иборасининг қулоғигача бахтга ботмоқ тарзида, обрўйи тушди иборасининг обрўйи терак бўйи тушиб кетди тарзида, қўлини кўтармоқ иборасининг иккала қўлини кўтармоқ тарзида қўлланиши бунга мисол бўла олади.

Абдулла Қаҳҳор фразеологик иборалар таркибига янги сўзлар қўшиб, баъзан улар таркибидаги айрим сўзларни тушириб, қисқартириб ҳам қўллайди. Фразеологик ибораларни бундай қисқартириб қўллаш уларнинг маъносини умумлаштириш,

мавҳумлаштириш, кенгайтириш учун хизмат қилади. Бу ҳодиса кўпроқ мақолларда учрайди.

Ҳозирги ўзбек тилида, олтин ўтда билинар, одам-меҳнатда мақоли кўп ишлатилади. Унинг олтин ўтда тобланар, одам меҳнатда варианти ҳам бор. Абдулла Қаҳҳор «Хотинлар» ҳикоясида бу мақолнинг иккинчи қисми (одам меҳнатда тобланар қисми)ни тушириб, уни олтин ўтда билинар тарзида қўллайди.

Мақол уруш йилларида фронтга кетган эрларини кутиб, фидокорона меҳнат қилган аёлларнинг жасоратини, руҳий кечинмаларини ифодалаш учун қўлланади. Натижада мақолнинг маъноси кенгаяди, мавҳумлашади. Унинг қисқартиб қўлланган шаклидан олтин ўтда билинса, одам меҳнатда, вафодорликда билинади, деган умумлашма маъно англашилади:

-Олтин ўтда билинади,-деди Собирхон,уруш ҳам тамом бўлади, ўйин-кулги учун тўпланганимизда бу кунлар эртакдай бўлиб ҳам қолар...Сув кетар, тош қолар, ўсма кетар, кош қолар.

«Синчалак» қиссасидаги эпизодлардан бирида Тожихон Қаландаровнинг хотини Ҳуринисога эридан шикоят қилиб, унинг эски одатларини ҳамон ташламаганлигини айтади. Абдулла Қаҳҳор Тожихоннинг мана шу фикрини ёрқин, таъсирчан қилиб ифодалаш учун сут билан кирган мижоз-жон билан чиқади иборасининг қисқартмасидан фойдаланади.

Бу иборанинг ижодий қўлланиши бошқа ёзувчиларнинг асарларида ҳам учрайди. Масалан, Ғафур Ғулом шу фразеологизмнинг тузилиш тартиби ва айрим компонентларидан фойдаланиб, қуйидаги мисраларда мутлақо янгича мазмунни ифодалаган:

Бошланғич таълимларда сут билан кирган ғоя¹

Абдулла Қаҳҳор иборанинг биринчи қисми (сут билан кирган қисми) дан фойдаланади. Бундай қўллаш «унинг хулқи азалий, ҳеч қачон ўзгармайди» деган фикрни ёрқин ифодалаш имконини беради:

-Келин қаердан? –деди Тожихон.

-Келин ўзимиздан чиқди, -деди Хуринисо ташқарига ишора қилиб. –Кифоятхоннинг қизи!...Ҳа, айтгандай, эсим курсин, сўрамабман..эринг дурустми? Кўп куйдирмайдими?

Тожихон Саидага кўз қирини ташлаб, бир оз қизарди-ю,хижолатликни енгиб эр эрми, опажон!-деди қаҳ-қаҳ уриб, лекин чин кўнгилдан чиқмаган бу қаҳқаҳани маъюслик дарров босди. –Сут билан кирган...яқинда бир ваз қилди. Иккинчи май куни меҳмон чақирган эдик. Чарчадим. Самовар қайнаб турган эди. «Битта чой дамланг» деган гап оғзимдан чиқиб кетибди. Балоба колдим: «Мен бригаданга аъзо эмасман, катталигингни аъзоларингга қил!...Қани энди гап уқтириб бўлса!

1.5. Иборалар асосида матн яратилиши

Фразеологик иборалардан ижодий-индивидуал фойдаланишнинг кенг тарқалган усулларида бири ибора асосида матн яратиш усулидир. Бундай қўллашда фразеологик ибора нутқда яхши тил бирлиги сифатида иштирок этмайди. Ёзувчи

¹ Ш.Шукуров. Ғ.Ғуломнинг фразеологизмлардан фойдаланишдаги маҳорати ҳақида. Самарқанд 1961. 66-67-бетлар.

иборанинг умумий мазмуни ёки унинг замиридаги образ ёки унинг қолипи янги матн учун асос қилиб олинади.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳўкизнинг шохига урсанг туёғи зирқирайди, мақоли бор. Абдулла Қаҳҳор бу мақолни шундайлигича ишлатмайди. У мақол замиридаги образ («шохга урганда туёқнинг зирқираши» тасаввур)ни олиб, шу образ асосида янги матн яратади. Мақолда шох ва туёқ бир организмнинг қисмлари (бир ҳўкизнинг шохи ва туёғи) сифатида тасаввур қилинади. Абдулла Қаҳҳор бу яхлитликни бузади. У «Синчалак» қиссасида бу мақолдан жуда оригинал йўсинда фойдаланади.

Қиссадаги эпизодлардан бирида жамоа хужалиги партия ташкилотчиси Саида Алиева бригада бошлиғи Зулфиқоровни кўп хотинликда айблайди. Жамоа хужалиги раиси Қаландаров олдин бунга унча аҳамият бермайди. Лекин кейинчалик Саида билан урушиб қолгач, унинг Зулфиқоровни танқид қилгани раисга шубҳали туюла бошлайди. Қаландаровнинг назарида Саида Зулфиқоровни танқид қилиш билан раисга тил теккизиш ва шу тариқа унинг обрўйини туширишга урингандай бўлиб кўринади. Абдулла Қаҳҳор ҳўкизнинг шохига урсанг, туёғи зирқирайди мақолини мана шу ҳолатга мувофиқлаштиради ва уни «Зулфиқоровнинг шохига уриш билан Қаландаровнинг туёғини зирқиратади» тарзида қўллайди. Бундай қўллаш мақолдан англашиладиган «биронта одамга етказилган зарба унинг яқинларига ҳам таъсир этади» деган маънони йўққа чиқармайди, аксинча, уни кучайтириб, янада аниқлаштириб ифодалайди:

Бу кайфиятда Қаландаровга Саиданинг ҳар бир ҳаракати обру талашиб қилинган иш бўлиб кўринди. Мажлисида Зулфиқоровнинг шохига уриш билан раиснинг туёғини зирқиратмоқчи бўлди; энди бунақа қилиб, Усмонжоннинг ўрнига Исмоилжонни ўтказиб ўтирибди.

Ҳозирги тилдаги сарагини саракка, пучагина пучакка чиқазмоқ ибораси бирон нарсани яхши-ёмонга, фойдали зарарлига ажратмоқ маъносини билдиради.

Абдулла Қахҳор бу ибора асосида ажойиб матн яратади. У ибора таркибидаги сарак ва пучак сўзларини олади ва бу сўзлар ёрдамида оригинал жумла тузади, халқ иборасидан шакл томондан, маъно томондан ҳам фарқ қилади.

Бу жумла (бир нарсанинг) керагини олиб, кераксизини ташламоқ ғоясини ифодалайди:

Хуринисо гапираётган гапларнинг ичида тўғриси ҳам бор, баъзи бирлари ўзининг пўклиги, ҳатто пучлиги билан кишининг кулгисини қистатар эди. Қаландаров унинг оғзидан бунақа гапларни, эҳтимол, жуда кўп эшитган ва ҳар сафар «сарагини олиб, пучагини қулоғи ёнидан ўтказиб юборадиган ва шунга ўрганиб қолган бўлса. («Сароб» романидан).

«Сароб» романидаги эпизодлардан бирида ер ислоҳоти муносабати билан Муҳаммадражабнинг ери тортиб олингани ва шундан кейин унинг тирикчилиги дўконидан келадиган даромадга қараб қолгани ҳақида гапирилади. Муҳаммадражабнинг бойлиги камайганлиги орқасида унинг таноби тортилиб қолганини бўрттириб ифодалаш мақсадида

Абдулла Қахҳор «бир оёғи турда, бир оёғи гўрда» иборси асосида жуда оригинал матн тузади:

Агар бир тасодиф рўй бермаганда, Саидийнинг поччаси Муҳаммадражаб ер билан яксон бўлар эди.

Унинг бир оёғи ери, иккинчи оёғи дўкони устида эди, ер ислоҳоти ерни тортиб олгандан кейин бир оёқ узра қолиб, дўкони ёнидан ўтадиган ҳар бир шабадага, шамнинг алангасидай, тебранадиган бўлиб қолган эди.

Бу матнга асос бўлган ибора (бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда) умри қисқа, умри тугай деб қолди, тезда вафот этади маъносини ифодалайди.

Юқоридаги матн шунга ишора қилади ва Муҳаммадражаб мавқеининг, Муҳаммаражаб даврининг тугашига оз вақт қолганини англатади.

Мавжуд ибора ва мақоллар асосида тузилган матнлар баъзан эвфемистик ифода, яъни пардали гап бўлиб хизмат қилади. Бу жиҳатдан «қарғанинг бир кўзи ўқда, бир кўзи б...да» ибораси асосида тузилган матн айниқса характерлидир.

Абдулла Қахҳор бу иборанинг фақат қолипни олади: бир кўзи, бир кўзи. Ибора асосидаги тимсол назардан соқит қилинади. Натижада қулоққа ҳунук эшитилмайдиган, пардали, лекин услубий кучли, ўткир матн ҳосил бўлади.

«Оғрик тишлар комедиясидаги эпизодлардан бирида Марасул билан Зухра ўртасида бўлиб ўтган баҳс келтирилади. Марасул Зухрани чаласавод фаол, деб мазах қилади. Зухра бунга жавобан: Агар мен чаласавод бўлсам, сен бутунлай саводсизсан, чунки сенинг бутун ҳаёлинг тиш даволаш баҳонасида

одамларнинг чўнтагини пойлаш билан банд» дейди. Абдулла Қаҳҳор Зухранинг мана шу фикрини қарғанинг бир кўзи ўқда, бир кўзи б...да ибораси асосида тузилган матн билан беради. Натижада меҳнаткаш Зухранинг товламачи Марасулга бўлган нафрати бутун тўлалиги билан ифодаланади:

Зухра: Мен чаласавод, сенинг саводинг росами?

Бир кўзинг одамларнинг тишида, бир кўзинг чўнтагида –ку, яна қайси кўзинг билан ўқиб савод чиқаргансан?

II БОБ. ХАЛҚ ИБОРАЛАРИ ҚОЛИПИДА ЯРАТИЛГАН ФРАЗЕОЛОГИК НЕОЛОГИЗМЛАР

2.1. Салбий қаҳрамонлардан кулиш учун хизмат қилувчи иборалар

Халқ иборалари қолипи асосида яратилган фразеологик неологизмларнинг айримлари китобхонда ҳажвий хис уйғотиш, салбий қаҳрамонлардан кулиш учун хизмат қилади. Бундай иборалар, маълум бир мазмун, маънони ифодалаш билан бир қаторда асар қаҳрамонига ёзувчининг муносабатини ҳам билдиради.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Икки ёрти-бир бутун» ҳикояси Камолхонов деган кимсанинг аллақандай бўлим мудири Сулаймоновнинг олдида бир нимани сўраб киришидан бошланади.

Сулаймонов Камолхоновнинг ишини битира олмаслигини айтади. Шунда Камолхонов хушомад билан мақсадига эришмоқчи бўлади. У катта илтифот, ғоят ширин сўзлик билан Сулаймоновга: «Сизнинг ақл-истеъдодингиз ҳаммага маълум, буни камтарлик билан яширманг» деган фикрни айтади. Лекин Камолхонов дидсиз одам бўлгани учун, бу фикр, нозик вазиятга мос келадиган ифодалар тополмайди.

Абдулла Қаҳҳор Камолхоновнинг фаросатсизлигини бўрттириб кўрсатиш мақсадида касални яширсанг, иситмаси ошкора қилади, мақоли асосида янги, оригинал ибора тўқийди ва бу иборани унинг нутқида ишлатади:

Камолхонов илжайди:

-Биламан, ўртоқ Сулаймонов, фақат қийин бўлгани учунгина сизнинг олдингизга кирдим. Сиз, энди, қийин деб...камтарлик қила етибсиз-да. Эшакни яширсангиз, ханграб шарманда қилади. Тагин кўнглингизга келмасин, мисол учун айтаётибман, азбаройи аччиқланганим учун... Сиз араванинг гупчагини ерга кўмсангиз, худо урсин, бодиринг кўкариб чиқади.

Бу ибора мазмун томондан Афанди латифаларидан бирига ўхшаш эканлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Афандидан бир киши эшак сўраб келди. Афанди унга:

-Эшагим уйда эмас деган эди, эшак бирдан ханграб юборди.

Эшак сўраб келган киши ҳафа бўлиб:

-Эшак уйда туриб, йўқ дедингиз-а, шу ҳам одамгарчиликданми, -деди.

-Оппоқ соқолим билан менинг сўзимга ишонмайсан-у, эшакнинг гапига ишонасанми?!-деди Афанди.

Кўринадики, Абдулла Қаҳҳор эшакни яширсанг, ханграб шарманда қилади ибораси учун мазмунни, манбани Афанди латифасидан олган, лекин бу мазмунни ифодалаш усулини, яъни қолипни, касални яширсанг, иситмаси ошкора қилади мақолидан олган.

«Оғрик тишлар» комедиясидаги лавҳалардан бирида Марасул: Оқиланинг устига эрга тегиб виждонсизлик қилгансан» деб Хуморхонга таъна қилади. Хуморхон ғазаб билан эътироз билдиради. Хотининг Насибани кўйиб, менга қўл чўзган, менга ялинган сен эмасмидинг?», деб унинг ўзини фош қилади. Абдулла Қаҳҳор Хуморхоннинг мана шу фикрини образли қилиб

ифодалаш учун товонини яламоқ иборасининг қолипи асосида ботинкасини мўйлаби билан чўткаламоқ иборасини тўқийди ва бу иборани Хуморхоннинг нуткида ишлатади. Натижада Хуморхоннинг Марасулга таҳқиромуз қараши, унга бўлган нафрати бутун тўлалиги билан ифодаланади.

Хуморхон: Виждонсиз эмиш! Мени, мен виждонсизни Насибага ярим кундош қилгунча ўлиб бўлдингиз-ку! Кисловодскда кечаси Насибага дори бериб ухлатиб қўйиб, мени санаториядан сой бўйигача қўлида кўтариб борган ким эди? Яхши кўраман деб йиғлаган, оёғимга йиқилиб «ботинкамни мўйлаби билан чўткалаган» ким эди?

Бу гапни ҳазилга йўйиш учун Сидиқжон ҳам кулди. Бироқ унинг кулиши Ўрмонжоннинг рўй-рост ғашини келтирди: «Нега куласан...Ҳеч ўйлайсанми: қишлоқда, қишлоқларда шунча воқеалар бўлиб ўтди, бойлар, муштумзўрлар-бир томон, камбағаллар, батраклар –бир томон...

Нега сен ўз тўпингдан айрилиб қолдинг? Бўлинганни бўри ер эди-ку:

Бу ибора ва унга асос бўлган мақол (бўлинганни бўри ер) романнинг ғоявий мазмунини очишда катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам романнинг биринчи вариантыда бу мақол асарнинг умумий сарлавҳаси сифатида қўлланган.

Абдулла Қаҳҳор тўпидан айрилмоқ ибораси асосида романнинг умумий ғоявий мазмунига мос келадиган янги ибора тўқийди. Бунга у ибора замиридаги образни талқин этиш, изоҳлаш усулидан фойдаланади: (ўз) тўпига қўшилмоқ. Бу ибора адашиб, ўз ижтимоий табақасидан ажралиб қолган Сидиқжон ва

унинг синфига қайта қўшилишга интилиши ва қўшилишини ёрқин ифодалайди:

Сидиқжоннинг нияти шу кетишда ҳеч қаерда тўхтамасдан, тонг отгунча юриб бўлса ҳам, Камсанчиларга бориш, тақдирдан шикоят қилиб Ўрмонжонга зор-зор йиғлаш, ўшанинг қаноти остида ўз тўпига яна қўшилиш учун тинмай, ишдан ишни фарқ қилмай, жон дили билан меҳнат қилишдан иборат эди.

Бу ўринда қизик бир фактни кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

«Сароб» романининг бош қаҳрамони Раҳимжон Саидий ҳам маълум сабабларга кўра ўз ижтимоий табақасидан, ўз синфидан ажралиб, кейин унга қўшилади. Лекин Абдулла Қаҳҳор бу ҳаракатни ўз тўпига қушилмоқ ибораси билан бермайди. Сидиқжон жамоалаштириш туфайли уюшган, бир тўп, бир жамоа ҳолига келган деҳқонлар синфининг вакили. Саидий, аксинча, ўз мавқеини, эски анъаналарини, аввалги аҳволини сақлаб қолишга уринган эски зиёлилар табақасининг вакили. Шунинг учун Саидийнинг ўз синфига қайтиши ўз тўпига қўшилмоқ ибораси билан эмас, балки ўз маҳалласига қайтмоқ бирикмасини мажозий қўллаш билан англатилади:

-Сиз ҳам комсомол эдингиз-ку!

-Ҳа, мен ҳам комсомол эдим, Бироқ, сиз мени комсомолдан юлиб олган бўлганингизда ҳам, янги бир нарса олганингиз йўқ. Мен ўз маҳалламдан кетган эканман, қайтиб келдим.

2.2. Ҳайвон ва паррандаларнинг белги хусусиятига асосланган иборалар

Абдулла Қаҳҳор яратган фразеологик неологизмларнинг баъзилари турли ҳайвон ва паррандаларнинг белги хусусиятларига асосланади. Бундай ибораларда баъзан ҳар хил ҳайвон ёки паррандалар бир-бирига таққосланади ва шу йўл билан маълум хулоса, яқун чиқарилади. Бу яқун, хулоса ёзувчининг мақсадини ёрқин, образли қилиб ифодалаш имконини беради.

«Шоҳи сўзана» («Янги ер») комедиясидаги лавҳалардан бирида Мирзачўлга бир гуруҳ ёшларнинг келиши тасвирланади. Партия ташкилотчиси Одиловнинг «Ёшлар билан иноқ бўлинг, улар бу ерга катта умидлар билан келишган» деган гапига жавобан: «Ёшлар келиб кетишаверади, лекин асосий ишни менга ўхшаганлар қилади», дейди Мавлон.

Абдулла Қаҳҳор Мавлоннинг мана шу фикрини той ирғишлайди-ю, аравани от тортади ибораси билан беради:

Одилов: Ёшлар билан аҳил бўлинг, Мавлон ака. Булар Мирзачўлга зўр умидлар билан келишган. Ғайратини кўрдингизми?

Мавлон: Дехқонбойнинг ғайрати жойида ... Лекин, ўртоқ Одилов, той ирғишлайди-ю, аравани..(кўкрагига уриб) от тортади.

А.Қаҳҳор яратган фразеологик неологизмларнинг баъзилари турли ҳайвон ёки паррандаларнинг маълум белги-хусусиятига асосланади. Бунда А.Қаҳҳор кўпинча савол-жавоб усулидан фойдаланади. Савол-жавоб асосида чиқарилган хулоса, мантиқ ёзувчининг мақсадини лўнда қилиб ифодалашга ёрдам беради.

«Синчалак қиссасидаги эпизодлардан бирида Қаландаровнинг овқатга кечикиб келгани тасвирланади. Хотини Хуринисо «Овқатга кечикиш одатингизни қачон ташлайсиз» деб уни уришади. Қаландаров камчиликлари кўп эканига ишора қилган бўлиб, ярим ҳазил оҳангида «Ташлайдиган одатим кўп» деб жавоб беради. А.Қаҳҳор Қаландаровнинг мана шу фикрини образли қилиб ёрқин ифодалаш учун «туядан» нега бўйнинг эгри деб сўралса, «қаерим тўғри» деб жавоб берган экан» иборасини тўқийди. Бу ибора Қаландаровнинг фикрини, унинг кайфиятини жуда аниқ ифода этади.

Қаландаров келди. Хуринисо ...уни ғазабига олди:

-Келар эдингиз-да! Қачон ташлайсиз шу феълингизни?!-деб шовқин солди.

Қаландаров ҳазилга олди.

-Ташлаш керак бўлган феълим кўп, хўжайин!

Туядан «нега бўйнинг эгри» деб сўралса, «қаерим тўғри» деган экан.

Абдулла Қаҳҳор яратган фразеологик неологизмларнинг баъзилари ғайри табиий, одатдан ташқари образларга асосланади.

От қўшиладиган енгил файтон ўзбек тилида извош дейилади Езувчи извошга хўкиз қўшилгандай» деб ғайри табиий, кулгили жумла тузади. Бу жумла, унинг замиридаги кулгили образ қовушмайди, мос тушмайди деган маънони ифодалаш учун хизмат қилади.

Нега «ўртоқ Усмоналиев» дейилса, жуда келишади, ёпишади-ю, «Сидиқжон Соҳибжонов» дейилса, жуда

келишмайди, ёпишмайди, «извошга ҳўкиз қўшилгандай» кулгили чиқади?

Абдулла Қаҳҳор кейинчалик бу иборанинг грамматик қурилишини ўзгартириб, қўллаш доирасини кенгайтиради. Уни «янги шароитга эскича билим, эскича қараш тўғри келмайди» деган маънода қўллайди. Иборанинг салбий эмоционал бўёғини кучайтириш учун ибора таркибидаги «ҳўкиз» сўзини «эшак» сўзи билан алмаштиради.

-Бу гапингиз нотўғри, қори, сизнинг илмингиз эскича илм. Жамоа хужалигига янгича илм керак. Кўнглингизга келмасин-ку, «извошга эшак қўшиб бўлмайди».

Абдулла Қаҳҳор асарларидаги фразеологик неологизмларнинг ташкил топишида бадий-эстетик воситалар катта роль ўйнайди. Бундай бадий эстетик воситалар жумласига ибора таркибидаги товушларнинг ўзига хос йўсинда қофияланиши, бир-бирига ҳамоҳанг бўлиб келиши, яъни эвфония (оҳангдошлик) ҳодисалари киради. Эвфония (оҳангдошлик) фразеологик неологизмларнинг шаклий жипслигини кучайтиради, уларнинг яхлит, бир бутун ҳолда эсда сақланишига ёрдам беради.

«Қўшчинор чироқлари» романидаги бир эпизодда Сидиқжон билан Зуннунхўжанинг жанжали тасвирланади. Зуннунхўжа Сидиқжоннинг кўнглини олиш учун: «Жаҳл устида сиз менга ёмон гаплар айтдингиз, лекин мен бунга ҳафа бўлмайман; чунки сиз ўз одамимсиз» қабилида гапирди. Абдулла Қаҳҳор Зуннунхўжанинг мана шу фикрини образли қилиб бериш учун «тилини тишлаб олган одам тишини суғуриб ташламайди» иборасини тўқийди. Ибора таркибидаги сўзлар (тил,

тишламоқ, тиш, тишламоқ; олган, одам) нинг бошига келган айрим товушларнинг ўзаро ўхшашлиги, яқинлиги маълум оҳангдошликни юзага келтирган. Бу оҳангдошлик ибора таркибидаги сўзларни бир-бирига қовуштиради. Бу ибора ўзининг мана шу хусусияти, мазмундорлиги билан халқ ибораларини эслатади!

Ибора романда шундай қўлланган:

-Зуннунхўжа майин товуш билан гап бошлади:

Сидиқжон, дейман, одам деганда андиша, юз-хотир деган нарса ҳамма вақт керак... Энди келиб-келиб мени, онангизни қўшмачи десангиз, дуруст бўлмас... Хайр, майли, одам жаҳл устида ҳар нарса дейди, мен бунга ҳафа бўлмайман. «Тилини тишлаб олган одам тишини суғуриб ташламайди».

Абдулла Қаҳҳор яратган бу хил фразеологик неологизмларда баъзан ўзаро ўхшаш ҳодисалар бир-бирга таққосланади. Иборанинг умумий маъноси, услубий қиммати мана шу таққоснинг якуни, натижаси сифатида юзага чиқади.

«Синчалак» қиссасида Саида Қаландаровга: Сизни овора қилиб ўтирмасаг-у, сизнинг ўрнингизга бошқа одам сайлай қолсак» деган фикрни айтади. Абдулла Қаҳҳор Саиданинг бу фикрини «игна билан битадиган ишга жуводдиз тикмаслик ибораси билан беради:

-Яхши одамларимиз кўп, -деди Қаландаров ва фалсафа мақомига ўтди, -мен сизга айтсам, одамнинг ёмони бўлмайди. Биров тош, биров гул, ўз ўрнида иккови ҳам яхши.

Қаландаров сўзни айлантириб, бюрода қолишга хоҳиш билдириб қўймаслиги учун Саида яна унинг сўзини оғзидан олди:

-Тўғри! Жуда тўғри! Игна билан битадиган ишга жуводдиз
тиқиб ўтирмасаг-у, ўрнингизга ўша одамларингиздан бирини
киргизсак, ўзингиз тавсия қилсангиз....

«Игна билан битадиган ишга жуводдиз тиқиб ўтирмайлик»
деган гап Қаландаровга жуда ёқиб кетди.

2.3. Қофияли фразеологик неологизмлар

Абдулла Қаҳҳор асарларида қофияли фразеологик
неологизмлар ҳам учрайди. Бу хил иборалар кўпинча икки
қисмдан ташкил топади. Уларда, шеърини нутқда бўлганидек, ҳар
қайси қисмдаги бўғинлар сони бир-бирига тенг, қофиялар тугал
ва пухта бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда маълум ритмик такрорланиш
мавжуд бўлади. Бу жиҳатдан улар кўпроқ халқ мақолларига
ўхшаб кетади.

«Синчалак қиссасидаги эпизодлардан бирида Эшоннинг
обрўсиз одам эканлиги кўрсатилади. Абдулла Қаҳҳор бу ғояни
«тўрдан жой тегмайдиган, пойгакда чой тегмайдиган ибораси
билан беради. Ибора таркибидаги жой ва чой сўзлари қофиядош
бўлиб, тегмайдиган сўзи ўзига хос радифдир.

Ибора обрўсиз, эътиборсиз деган маънони бўрттириб
ифодалайди:

Эшон отасининг васиятига амал қилиб, «тўрдан жой
тегмайдиган, пойгакда чой тегмайдиган» бир одам бўлиб
етишибди...

Қофияли фразеологик неологизмларга мисол қилиб яна «камбағал нон деб бош-кўтарса, бой муштумзўр қон деб тош кўтаради ибрасини кўрсатиш мумкин:

Сафаров давом этди:

-Отамни мана шу Одил кўрнинг ювиндихўри Пайғамбарқул отиб ташлаган. Мен бу билан нима демокчиман. Шунини айтмоқчи бўламанки, «камбағал нон деб бош кўтарса, бой-муштумзўр қон, деб тош кўтаради» («Қўшчинор чироқлари»).

Бу ибора айрим манбаларда халқ томонидан яратилган мақол, деб кўрсатилади. Ибора ҳақиқатан ҳам халқ мақолига ўхшайди, лекин уни Абдулла Қаҳҳор ижод этган.

Баъзан бу ибора ихчамлаштирилиб, камбағал бош кўтарса, бой тош кўтаради шаклида қўлланади.

Энг орқада ўтирган Бўтабой...қўлини кўтарди ва:

-Мумкинми...-деб ўрнидан турди, -мен шунини айтмоқчи бўламанки, ўртоқ Сафаров ҳақ гапни гапирдилар. «Камбағал бош кўтарса, бой тош кўтаради. Жамоа хужалигига камбағалнинг фойдаси бўлмаса, муштумзўр бунчалик типирчилаб қолмас эди. (Қўшчинор чироқлари»).

2.4. Муболаға асосида ижод этилган иборалар

А.Қаҳҳор яратган фразеологик неологизмлар орасида муболаға, ҳар хил бадий-эстетик воситалар асосида яратилган ибораларнинг деярли ҳаммаси маънони кучайтириш учун хизмат қилади.

А.Қаххор ўзининг «Бек» ҳикоясида қолоқ, лекин ўта кетган такаббур, димоғдор одам тимсолини яратган. Агар биров танқид қилса, бу одам дарров унга ташланади, жанжал кўтаради. А.Қаххор унинг мана шу хусусиятини «олти ой отпускаи олиб муштлашмоқ» ибораси билан беради.

Бу ибора замиридаги тимсол, мажоз (олти ой отпускаи олиб муштлашиш тасаввур) муболағадир, лекин у ибора учун асос, замин бўлиб хизмат қилади. Ибора таркибидаги сўзлар (олти, ой, отпускаи, олмоқ) нинг бир хил, ўхшаш товуш билан бошланиши орқасида ҳосил бўлган оҳангдошлик ибора қисмларини янада жипслаштиради.

Бу ибора узоқ, кўп деган маънони бўрттириб ифодалайди:

Бу одам ҳозирги замондан роса йигирма йил орқада қолган, лекин шуни ўзи билмайди, айтсангиз, сиз билан «олти ой отпускаи олиб муштлашади».

«Қўшчинор чироқлари» романидаги эпизодлардан бирида жамоа хужалигига Абдусамад қорининг вилоятда ишлайдиган бир таниши келиб кетгани тасвирланади. Вилоятдан одам келиб кетганини эшитган раис:

«Нега ундан жамоа хужалигига ёрдам сўрамадингиз?» деб қорига таъна қилади. Тилёғламачи қори раисга: «Мен жамоа учун бир ошнамдан ёрдам сўраш эмас, ундан каттароқ нарсаларни ҳам қилишга тайёрман» деб жавоб беради. А.Қаххор унинг ана шу фикрини «осмондаги қушнинг оғзидаги донни оламан» ибораси билан беради:

Қори гавдасига номуносиб ингичка бир товуш чиқариб кулди:

-Хай-хай, мендан гап қоладими, Бўтабой ака... Жамоа хўжалигининг фойдаси деганда «осмондаги кушнинг оғзидаги донни оламан!

Муболаға воситасида яратилган фразеологик неологизмларга мисол қилиб яна саккиз соат сув ичмасдан (гапирмоқ), ўн кеча-ю ўн кундуз (йиғламоқ) каби ибораларни ҳам курсатиш мумкин.

Муболаға воситасида яратилган фразеологик неологизмларнинг таркибидаги сўзлар баъзан ўзаро қофиядош, оҳангдош бўлиб келмайди. Лекин бу хил иборалар ўзларининг таркибидаги тимсол, муболағанинг лўндалиги, ёрқинлиги билан ажралиб туради.

«Ўжар» ҳикоясининг қаҳрамонларидан Заргаров: Агар мен ёшлигимда яхши тарбия олганимда, ҳозир жуда катта мартабага эришар эдим» деб мақтанади. А.Қаҳҳор унинг фикрини бўрттириб ифодалаш учун ерда туриб ойда чорвачилик қилмоқ иборасини тўқийди. Бу ибора асосидаги муболаға, лоф (ерда туриб ойда чорвачилик қилиш) Заргаровнинг фикрини жуда аниқ беради.

Икки ошна ҳозирги тарбияни хўп мақташди, Заргаров узун сўздан хулоса чиқариб, «мен ёшлигимда шундай тарбия кўрган бўлсам, ҳозир ерда туриб ойда чорвачилик қилар эдим» деди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ўзбек тилшунослигида янги сўз ва янги маънонинг пайдо бўлиш йўллари озми-кўпми ўрганилган. Лекин тилда фразеологик ибораларнинг пайдо бўлиши, шу жумладан ёзувчиларнинг фразеологик ижодкорлиги деярли ўрганилган эмас.

Ёзувчи тили ва фразеологиясига бағишланган ишларда янгидан ижод этилган айрим иборалар келтирилса ҳам, лекин мазкур ёзувчининг ибора яратиш санъати, тилда фразеологик ибораларнинг вужудга келиш йўллари, бундай ибораларнинг бадий-эстетик ва услубий қиймати махсус текширилмайди. Ваҳоланки, бусиз ёзувчи тили ва услубининг ўзига хос хусусиятларини тўла очиқ бериш мумкин эмас. Тилда, шу жумладан бадий адабиёт тилида фразеологик ибораларнинг вужудга келишини тўғри тушуниш учун бир-биридан кескин фарқланувчи икки ҳодисани алоҳида-алоҳида текшириш лозим. Булардан бири эркин сўз бирикмаларининг фразеологик иборалар сифатида турғунлашувини келтириб чиқарадиган ички тил қонунлари бўлса, иккинчиси тилга алоқаси бўлмаган ҳар хил сиртқи жараёнлар таъсиридир.

Абдулла Қаҳҳор янги иборалар яратишда турли ички тил воситаларидан, манбаларидан фойдаланган. Ана шундай восита, манбалардан бири ўзбек тилининг фразеологик бойлигидир. Абдулла Қаҳҳор яратган фразеологик неологизмларнинг кўпчилиги халқ фразеологияси асосида ижод этилган иборалар бўлиб, уларнинг яратилиш усуллари турличадир.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, фразеологик иборалар замирида маълум тимсол, аниқ ҳодиса, нарсa тасаввури ётади. Бундай образлилик ибораларнинг услубий имкониятларини оширади, уларни тилнинг кучли ифода воситаларидан бирига айлантиради. Шунинг учун Абдулла Қаҳҳор фразеологик иборалар замиридаги образлардан атрофлича фойдаланишга ҳаракат қилади, айрим ҳолларда бу образлар ёрдамида янги, оригинал иборалар яратади. Бунда Абдулла Қаҳҳор турли усуллардан фойдаланади. Шундай усуллардан бири умумтил ибораси замиридаги образни бошқача талқин этиш йўли билан янги маъно, янги мазмун ифодалашдир. Бу йўл билан ижод этилган фразеологик неологизмнинг образли асоси халқ иборасининг образли асосига ўхшаса ҳам, лекин унинг маъноси, услубий вазифаси тамомила бошқача бўлади.

«Қўшчинор чироқлари» романидаги эпизодлардан бирида Қурбон отанинг эллик йилдан кейин Капсанчилар қишлоғи қандай бўлишини билишга қизиққанлиги тасвирланади. Жамоа хўжалиги раҳбари Ўрмонжон қишлоқнинг ўн-йигирма йилдан кейин қандай бўлишини биламиз, чунки бу ўзимизнинг дидимизга, орзумизга боғлиқ, лекин эллик йилдан кейин қандай бўлишини билмайсиз, чунки бу энди туғиладиган болаларнинг диди, орзуси қандай бўлишини биз ҳозир билмаймиз, дейди Ўрмонжон. Абдулла Қаҳҳор Ўрмонжоннинг мана шу фикрини, унинг келгуси авлод дидини билишдан биз ожизмиз, деганини образли қилиб ифодалаш учун янги фразеологик ибора ижод этади.

Ўзбек адабий тилида ўз гази билан ўлчамоқ ибораси кўп ишлатилади. Халқ тилида бу иборанинг ўз андазаси билан ўлчамоқ, уз қаричи билан ўзича тушунмоқ, ўз нуқтаи назаридан қарамоқ маъносини ифодалайди. Абдулла Қаҳҳор Ўрмонжоннинг келгуси авлод дидини белгилашга биз ожизлик қиламиз, уларнинг дид-орзусини тушунишга бизнинг қарашимиз, нуқтаи назаримиз тўғри келмайди, деган фикрини ёрқин қилиб ифодалаш учун мана шу ибора замиридаги «ўзининг ўлчови, андазаси билан ўлчаш» тасаввуридан, образидан фойдаланади. Абдулла Қаҳҳор бу образ талқинига «ўлчашга гази ярамай қолмоқ, эскилик қилмоқ» тарзида янгича йўналиш, янгича тус беради. Натижада тушунишга ожизлик қилмоқ деган маънони ифодалайдиган янги, оригинал ибора вужудга келади: ўлчагани гази эскилик қилмоқ. Бу ибора Ўрмонжоннинг фикрини ёрқин, образли қилиб ифодалашга имкон беради:

Ўрмонжон кулди.

-Ўн, йигирма йилдан кейин қандай бўлишини (қишлоқнинг қандай бўлишини-И.Қ) биламиз, бу ўзимизга, бизнинг дидимизга, орзумизга боғлиқ. Лекин эллик йилдан кейин қандай бўлишини билмаймиз, чунки бу мана шу уйларда туғиладиган, шу қишлоқда ўсадиган болаларнинг дидига, орзусига боғлиқ. Буларнинг дидини, орзусини ўлчагани бизнинг «газимиз эскилик қилади».

Абдулла Қаҳҳор сўз санъаткори эди. Унинг асарларини мутолаа қилар эканмиз, тил воситаларидан ижодий фойдаланишнинг хилма-хил намуналарини учратиш мумкин. Ёзувчининг тилдан бундай фойдаланиши унинг умумтил ибораларини қўллашида айниқса яққол кўринади. У баъзан халқ

ибораларини мазмун томонидан ўзгартиб, тасвирланаётган ходисаларга мослаб қўлласа, баъзан уларни услубий жиҳатдан янги, одатдан ташқари матнларда қўллайди. Умумтил ибораларини айнан ишлатиш билан бирга ўзгарган шаклда ҳам беради.

Фразеологик иборалар тилнинг образли воситалари сирасига киради. Ҳар қандай ибора замирида аниқ бир ҳодиса тасаввури, маълум бир нарса образи ётади. Бу образ иборага алоҳида жило, равшанлик бахш этади.

Абдулла Қаҳҳор асарларидаги ҳазил баъзан ёзма адабиёт намуналари асосида яратилади. Бунга мисол сифатида Муқимий шеърдан олинган «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадир» мисрасининг А.Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясида Қўзиев нутқида қўлланишини кўрсатиб ўтиш мумкин.

А.Қаҳҳорнинг айрим асарлари бир услуб воситаларини бошқа услубга кўчириш натижасида туғиладиган кулгига асосланади.

Бундай асарларнинг мисоли сифатида «Нутқ» фольетонини кўрсатиш мумкин. Фельетонда эр ва хотиннинг оила қурганига бир йил тўлишини нишонлаш учун ўтириши тасвирланади.

Ўтиришда эр бир йиллик турмуш ҳақида нутқ сўзлайди. Унинг нутқида намунали, фаолият, сигнал бермоқ, ўзи бўларчилик, кун тартибига қўйиш, сафдан чиқмоқ каби иборалар қўлланилади. Бу иборалар ҳозирги ўзбек адабий тилида расмий-идоравий услубда ишлатилади. Бу иборалар асосан йирик ижтимоий воқеаларга бағишланган нутқларда қўлланилади. Фельетон қаҳрамони нотиқ эса бундай ибораларни оддий

сўзлашув услубига кўчиради. Натижада эрнинг хотинга айтадиган оддий гапи дабдабали нутққа айланиб кетади. Бу ҳол расимиятчилик суяк-суягига сингиб кетган нотик образини кулгили қилиб кўрсатади. Юқорида қайд қилинганидек, гап салбий қаҳрамонлар тўғрисида кетганда, А.Қаҳҳорнинг кулгиси маҳв қилувчи руҳ касб этади.

А.Қаҳҳор халқ ибораларидан фойдаланишда уларнинг маъносини ўзгартириш усулидангина фойдаланиб қолмайди. Баъзан ибора маъноси билан бир қаторда унинг шаклини, тузилишини ҳам ўзгартиради. Бу ўзгартириш иборани маъно томондан ҳам, шакл томондан ҳам матнга мувофиқлаштиради, ёзувчи мақсадини аниқ ифодалашга ёрдам беради.

Бадиий асар тилида фразеологик ибора шаклини ўзгартиришнинг йўллари хилма-хил. Шулардан бири ибора таркибидаги сўзларни уларнинг синонимлари билан алмаштириш бўлиб ҳисобланади. А.Қаҳҳор «юлдузни бенарвон уради» иборасини юлдузни бешоти уради, илоннинг ёғини ялаган иборасини илоннинг ёғини еган шаклида қўллайди.

Ибора таркибига янги сўзлар қўшиш ҳолатлари ҳам ёзувчи ижодида анчагина. Бундай сўзлар ибора замиридаги образни аниқ ифодалайди. Халқ тилида суянган тоғи ибораси-ишонган кишиси, ҳомийси маъносини билдиради. А.Қаҳҳор бу ибора таркибига баланд сўзини қўшади. Натижада «ишонган тоғи баланд» ибораси вужудга келади. Шунингдек А.Қаҳҳор асарларида бахтга ботмоқ иборасининг қулоғигача бахтга ботмоқ, обрўйи тушди иборасининг обрўйи терак бўйи тушиб кетди тарзида қўлланишини кузатиш мумкин.

Ибора асосида матн яратиш усулидан ҳам А.Қаҳҳор самарали фойдаланган.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳўкизнинг шохига урсанг туёғи зирқирайди мақоли бор. А.Қаҳҳор бу мақолни шундайлигича ишлатмайди. У мақол замиридаги образни олиб, шу образ асосида янги матн яратади. «Синчалак» қиссасида бу мақол. «Зулфиқоровнинг шохига уруш билан Қаландаровнинг туёғини зирқиратди» тарзида қўлланилади. Бундай қўллаш, мақолдан англашиладиган «биронта одамга етказилган зарба унинг яқинларига ҳам таъсир этади» деган маънони йўққа чиқармайди, аксинча уни кучайтириб, янада аниқлаштириб ифодалайди.

Абдулла Қаҳҳор яратган фразеологик неологизмларнинг бир қисми халқ иборалари қолипи асосида ижод этилган. Халқ тилидаги «кулиб туриб, жонини олди» ибораси асосида янги оригинал ибора яратади: «Бошини қашлаб туриб, қорнига муштлади». Айни шу усулда «кўп тингла, оз сўзла» мақоли асосида ҳам янги ибора ижод қилинган «гапни тонналаб олиб, граммлаб сот».

Турли ҳайвон ва паррандаларнинг белги хусусияти билан боғлиқ фразеологик неологизмлар ҳам адиб ижодида учрайди. Бундай ибораларда ҳайвон ва паррандалар бир-бирига таққосланади, шу йўл билан маълум хулоса чиқарилади. А.Қаҳҳор «извошга ҳўкиз қўшилгандай» ибораси грамматик қурилишини ўзгартириб, қўлланиш доирасини кенгайтиради. Уни «янги шароитда эскича қараш тўғри келмайди» маъносида куллайди. Иборанинг таъсирчанлигини кучайтириш учун ҳўкиз сўзини эшак сўзи билан алмаштиради:

«Извошга эшак қўшилгандай»

А.Қаҳҳор асарларида қофияли фразеологик неологизмлар ҳам анчагинани ташкил қилади. Бундай иборалар кўпинча икки қисмдан иборат бўлади. Уларда, шеърый нутқда бўлгани каби, ҳар қайси қисмдаги бўғинлар сони бир-бирига тенг, қофияларда маълум такрорланиш мавжуд бўлади. Шу жиҳатдан улар халқ мақолларига ўхшаб кетади. «Синчалак» қиссасида Эшоннинг обрўсиз одам эканлиги кўрсатилади. Ёзувчи бу ғояни «тўрдан жой тегмайдиган, пойгакда чой тегмайдиган» ибораси билан беради. Ибора таркибидаги жой, чой сўзлари қофиядош бўлиб, тегмайдиган сўзи эса радифдир. А.Қаҳҳор ижод қилган фразеологик неологизмлар орасида муболаға асосида яратилганлари ҳам мавжуд. Муболаға асосида яратилган ибораларнинг деярли ҳаммаси маънони кучайтириш учун хизмат қилади. Мисол қилиб саккиз соат сув ичмасдан (гапирмоқ) ўн кеча-ю ўн кундуз (йиғламоқ) ибораларини кўрсатиш мумкин.

Муболаға воситасида ҳосил қилинган фразеологик неологизмларнинг таркибидаги сўзлар баъзан ўзаро қофиядош, оҳангдош бўлиб келмайди. Бироқ бу хил иборалар ўзларининг таркибидаги образ, муболағанинг лўнда ва ёрқинлиги билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, А.Қаҳҳор кўплаб ибораларни ўзи ижод қилди, уларнинг аксариятини эса халқ иборалари шакли асосида яратди. Адиб яратган фразеологик неологизмлар ҳозирги кунда ҳам ижодкорлар асарларида таъсирчанликни янада ошириш мақсадида самарали қўлланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов Ҳ, Махмудов Н, Сўз эстетикаси Тошкент, 1981 йил.
2. Абдурахмонов Ғ, «Стилистик нормалар ҳақида», Ўзбек тили ва адабиёти, 1969 йил.
3. Абдурахмонов Ғ, Шукуров Ш «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, Тошкент 1973 йил.
4. Дониёров Ҳ, Санакулов У «Ўзбек тилшунослигининг асосчиси, Ўзбек тили ва адабиёти, 1991 йил.
5. Каримов С, «Ўзбек тилининг бадиий услуби, Самарқанд, 1992 йил.
6. Мамажонов А, Қўшма гап стилистикаси, Тошкент, 1990 йил.
7. Мукаррамов М, Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили.
8. Муҳамедов С, Ўзбек тили функционал стилларини белгилаш тўғрисида мулоҳазалар, 1983 йил.
9. Низомиддинова С, Ҳозирги замон ўзбек стилида сон, Тошкент, 1963 йил.
10. Содикова М, Феъл стилистикаси.
11. Сулаймонов А, тил стиллари ҳақида, 1964 йил.
12. Турсунов У, Мухторов Ж, Рахматуллаев Ш, Ҳозирги ўзбек адабий тили, Тошкент, 1965 йил.
13. Умурқулов Б, Поэтик нутқ лексикаси, Тошкент, 1990 йил.
14. Шомақсудов А, Расулов И, Қўнғуров Р, Рустамов Ҳ, Ўзбек тили стилистикаси, Тошкент, 1983 йил.
15. Шомақсудов А, Ўзбек тили стилистикаси, 1 қисм.
16. Қўнғуров Р, Сифат стилистикаси, Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари, Самарқанд 1982 йил.
17. Қўнғуров Р, Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари.
18. Қўнғуров Р, Ҳозирги ўзбек адабий тили «Ўзбек тилида тасвирий сўзлар, Тошкент, 1966 йил.
19. Қўнғуров Р, «Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари, Тошкент, 1980 йил.

20. Қўчқортюв И, Адабий тилнинг стилистик табақаланиши ва нутқ маданияти, Тошкент, 1973 йил.
21. Ғуломов А, Қўплик категорияси, Тошкент, 1944 йил, Ўзбек тили грамматикаси.
22. Ғуломов А «Ғеъл» Тошкент 1954 йил
23. Қўнғуров Р, Бегматов Э, Тожиев Ё, Нутқ маданияти ва услубият асослари. Тошкент 1992 йил
24. Қўчқортюв И, Бадиий нутқ стилистикаси, Тошкент-1975 йил.

МУНДАРИЖА

Асослама.....	4-7-бет
Кириш.....	7-12-бет
1. БОБ. А.Қаҳҳор ижод қилган фразеологик неологизмлар.	
А) ёзма адабиёт намуналари асосида ҳосил қилинган иборалар.....	12-16-бет
Б) маълум услубга хосланган ибораларнинг бошқа услубда қўлланилиши.....	16-19-бет
В) шакл жиҳатдан ўзгартирилган иборалар.....	19-21-бет
Г) янги сўзлар қўшилиши билан яратилган фразеологик неологизмлар.....	21-23-бет
Д) иборалар асосида матн яратилиши.....	23-27-бет
II. БОБ. Халқ иборалари қолипи асосида яратилган фразеологик неологизмлар.	
А) салбий қаҳрамонлардан кулиш учун хизмат қилувчи иборалар.....	27-30-бет
Б) ҳайвон ва паррандаларнинг белги-хусусиятига асосланган иборалар.....	30- 34-бет
В) қофияли фразеологик неологизмлар.....	34-35-бет
Г) муболаға асосида ижод қилинган иборалар. ...	35-37-бет
Умумий хулосалар.....	37-43-бет
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	43-44-бет